

**Самиев Рустам Суръат ўғли:** *“Банк тизимининг ликвидлилигини монетар сиёсат инструментлари орқали тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш”*. (5A230701-“Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)”).

**Илмий раҳбар:** доц. Сатторов О.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тижорат банклари ликвидлилигини монетар сиёсат инструментлари асосида тартибга солишнинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш, банкнинг олтин қондасидан келиб чиқиб тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг мувофиқлигини ҳамда унинг ликвидлиikka таъсирини ўрганиш, шунингдек уни такомиллаштириш борасида илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

- тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

- бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида қўлланилаётган ликвидлилик меъёрларини ўрганиш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар инструментлари ва уларни банклар ликвидлигига таъсирини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар шакллантириш;

- тижорат банклари ликвидлилигини бошқариш назариялари ва методларини ўрганиш;

- тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришда Халқаро Базель қўмитасининг янги тавсиялари ва ривожланган мамлакатлар банк тизими тажрибасидан келиб чиқиб, республикаимиз банк тизимида қўлланиладиган монетар инструментларни такомиллаштириш ҳамда хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.